

# Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари доимо меҳр ва эътибор марказида

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига яратилган шароитлар Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

Хусусан, янги йил байрами арафасида Республикаси прокурори ташаббуси билан Хўжайли туманида жойлашган 1-сонли “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари учун тадбир ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари бу ерда тарбияланувчилар учун яратилган шароитлар ва таълим-тарбия жараёни билан яқиндан танишишди.

Image not found or type unknown



Шунингдек, тадбир давомида “Меҳрибонлик уйи”нинг жами 110 нафар тарбияланувчиларга қишки кийим (куртка) совға сифатида тақдим қилинган бўлса, 2020-2021 ўқув йилида Олий ўқув юртларига гранд асосида ўқишга қабул қилинган 25 нафар тарбияланувчиларга Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ва Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири номидан “Ташаккурнома”лар тантанали равишда топширилди.

Image not found or type unknown



Бундан ташқари, Меҳрибонлик уйида тарбияланиб, ҳозирда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетига ўқишга кирган 14 нафар талабаларга давлат томонидан бериладиган озиқ-овқат, шахсий гигиена, кийим кечак, йўл ҳақи ва стипендия учун жами 37.426.000 сўмлик пул маблағлари тўлиғи билан тўлаб

берилиши ва ушбу талабаларнинг ўқиш масканининг ётоқхонасига жойлаштирилиши таъминланди.

Image not found or type unknown



Келгусида мамлакатимизда болаларни соғлом руҳда тарбиялаш, ўзларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, жамиятда фаол иштирок этишда кўмаклашадиган тўлиқ ва муносиб шароитларда тарбияланишларига қаратилган бундай тадбирлар кўплаб ўтказилиши режалаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси матбуот хизмати